

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ВОҲИДОВ ҲАМИДЖОН МАХМУДОВИЧ

ДАЪВО МУДДАТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНМАЙДИГАН ТАЛАБЛАР
ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Воҳидов Ҳамиджон Махмудович

Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар ва уларнинг ҳуқуқий
оқибатлари..... 3

Воҳидов Ҳамиджон Махмудович

Требования, на которые исковая давность не распространяется, и их
правовые последствия..... 23

Vokhidov Khamidjon Makhmudovich

Claims to which the statute of limitations does not apply and their legal
consequences..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ВОҲИДОВ ҲАМИДЖОН МАХМУДОВИЧ

ДАЪВО МУДДАТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНМАЙДИГАН ТАЛАБЛАР
ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.1.PhD/Үу350 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Боротов Миродилжон Хомуджонович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Толибжон Абдуазизович
юридик фанлар доктори, доцент

Ибратова Феруза Бобоқуловна
юридик фанлар номзоди, доцент в.б.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Божхона институти

Диссертация онлайн ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үу.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 7 октябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (931-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил 22 сентябрь куни тарқатилди.

(2020 йил 22 сентябрдаги 26-рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Д.Ю.Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

С.С.Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий ўринни эгаллайди. Бунда ҳуқуқий ҳимоянинг энг самарали усули бўлиб суд орқали ҳимояланиш ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига берилган даъволар сони 2019 йилда 3 % га ортган¹. Дунёда 1,4 миллиард инсоннинг одил судловга бўлган эҳтиёжлари қониқарли аҳволда эмас². Бу кўрсаткич дунёнинг аксарият мамлакатларида ҳам юқориликча қолмоқда. Ушбу ҳолат фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишни такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Жаҳонда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларни аниқлаштиришга, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича давлатлараро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, одил судловга бўлган ҳуқуқни таъминлаш, даъво муддатини аниқлаш муайян ҳолатларда унинг жорий қилинмаслиги, мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқларни ҳимоя қилишни такомиллаштириш, халқаро стандартларга миллий қонунчиликни мослаштириш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида суд орқали ҳимояланиш тобора ортиб бораётган шароитда даъво муддати жорий этилмайдиган талаблар, уларнинг тизими, мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боисдан, “одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини таъминлаш”³ мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997), “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги (2006), “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги (2019) Қонунлари, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019) Ф–5464-сон фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли

¹ <https://www.echr.coe.int/Pages/home.aspx?p=reports&c=>. Analysis of statistics 2019. 4-6.

² <https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-A2J-2019.pdf>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5953-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 йил, 06/20/5953/0246-сон.

иктисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” ги (2020) ПФ–5953-сон Фармони ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуқаролик ҳуқуқи фанида фуқаролик-ҳуқуқий муддатлар, даъво муддати институтлари маълум даражада ўрганилган. Хорижлик олимлардан кун мавзусининг айрим жиҳатлари F.Gumelchain, L.Bently, B.Sherman, F.Dessemontet каби мутахассислар томонидан тадқиқ этилган. МДҲ мамлакатларида А.П.Сергеев, В.Г.Смирнов, Е.А.Крашенников, Н.Д.Егоров, О.С.Иоффе, В.П.Грибанов, М.Я.Криллова, М.П.Ринг, М.Г.Розенберг, О.А.Красавчиков, Ю.К.Толстой, Ю.К.Лебедевлар томонидан у ёки бу даражада тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда Ҳ.Раҳмонқулов, Ф.Х.Сайфуллаев, И.Б.Зокиров, Ш.Ш.Шорахметов, Б.И.Ибратов, Ш.Н.Рўзиназаров, О.Оқюлов, Э.Эгамбердиев, К.О.Синдоров, И.И.Насриев, Б.Н.Тошев, Н.Ф.Имомов, М.Х.Боротов, В.Ё.Эргашев, М.М.Мамасиддиқов, Ф.Ибратова, Ж.Бобоев, Қ.Меҳмонов, Б.М.Ҳамроқулов, Р.А.Хонназаров, Г.А.Худайбердиева, Б.У.Аҳмаджонов, Х.А.Палуаниязовлар томонидан даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар ўз тадқиқотлари ёки фуқаролик ҳуқуқининг муайян мавзуси доирасида ёритилган¹.

Ф.Ибратова фуқаролик ҳуқуқида юридик факт ҳисобланган муддат масалаларини монографик тарзда таҳлил қилган². Аммо у томонидан даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмай, балки уларнинг айрим жиҳатлари у ёки бу даражада ёритиб берилган. Шунингдек, даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар Н.Ф.Имомов томонидан чоп этилган монографияда алоҳида тадқиқ этилган. Муаллиф ушбу монографиясида фуқаролик-ҳуқуқий муддатларни илмий-назарий, тизимли таҳлил этар экан, даъво муддати таркибида даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларнинг умумий жиҳатларини ёритиб берган³.

Даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларнинг фуқаролик қонунчилигида тутган ўрни, уларнинг турлари, улар доирасини кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш масалалари, шунингдек ҳуқуқ субъекти томонидан ушбу талабларни амалга оширишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари, уларни амалга ошириш механизми мустақил тадқиқот объекти сифатида

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

² Ибратова Ф.Б. Фуқаролик-ҳуқуқий муддатларнинг аҳамияти, моҳияти ва муаммолари: Юрид. фан. номз. дисс. ...–Тошкент: ТДЮИ, 2008. 161-б.

³ Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. –Б.104-126.

ўрганилмаган.

Шу муносабат билан тадқиқот ишида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар тушунчаси, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, ушбу талабларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари, уларни туркумлаш муаммолари, даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар доирасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасини кенгайтириш истиқболлари ҳамда ушбу талабларни фуқаролик муомаласи иштирокчилари томонидан амалга ошириш механизмини янада такомиллаштириш, бу борада қонунчиликка аниқ таклиф ва тавсиялар бериш тадқиқ этилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, ушбу талаблар доирасини аниқлаш, туркумлаш ҳамда уларни тавсифлаш, ҳуқуқ субъекти томонидан даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларни амалга оширишга қаратилган амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фуқаролик ҳуқуқида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар тушунчаси, шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш;

даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар доираси ҳамда уларнинг турларини очиб бериш;

даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларни амалга оширишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларини тадқиқ этиш;

фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги талабларнинг моҳиятини очиб бериш ва оқибатларини таҳлил этиш;

шахснинг шаъни, қадр-қиммати ҳамда ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларни танқидий таҳлил этиш;

интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаб ва унинг ҳуқуқий оқибатларини ўрганиш;

омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисидаги банкка ва бошқа кредит муассасаларига қўядиган талабларини ўрганиш;

мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларда ҳуқуқ нормалари ва уни қўллаш амалиётини очиб бериш;

жиноят туфайли етказилган зарарни ундириш ҳақидаги талабларни тадқиқ этиш;

тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни қайтариб бериш ҳақидаги талаблар ҳамда қонунда даъво муддати жорий қилинмайдиган бошқа талабларни ўрганиш;

даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларни тартибга солувчи

қонун ҳужжатларига тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларга оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети соҳага доир миллий ва айрим хорижий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, юридик фандаги мавжуд концептуал ёндашувлар ва ҳуқуқий категориялардир.

Тадқиқот усуллари илмий билишнинг тарихийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантикийлик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик усулларида иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бу бузишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этиш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддатининг жорий қилинмаслиги исботланган;

ирқий ёки ижтимоий келиб чиқишга оид маълумотлар, сиёсий, диний ёки дунёқарашга оид эътиқодлар, сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларига аъзолик тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек жисмоний ёки руҳий (психик) саломатликка тааллуқли маълумотлар, шахсий ҳаёт ва судланганлик тўғрисидаги маълумотлар шахсга доир махсус маълумотлар ҳисобланиши асослаб берилган;

субъектнинг наслдан-наслга ўтган ёки орттирилган хусусиятларига тааллуқли бўлган, субъектнинг биологик қиёфасини таҳлил қилиш ёки муқобил ахборот олиш имконини берадиган бошқа элементни таҳлил қилиш натижаси бўлган шахсга доир маълумотлар генетик маълумотлар бўлиши асослантирилган;

мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича таъминлайдиган ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўриши асослаб берилган;

мулкдор ва (ёки) оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахслар субъектнинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шартлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар доирасини кенгайтириш хусусида илмий асослантирилган аниқ таклиф ва тавсиялар берилган;

даъво муддати жорий қилинмайдиган ҳар бир талаб бўйича илмий асослантирилган хулосалар берилган;

даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларни амалга ошириш механизми ёритилган;

фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишининг ҳар бир боби якунида келтирилган хулосалар, шунингдек диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар (қоидалар), қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ фанида мавжуд бўлган назарий қарашлар, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилик нормалари, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланган. Тадқиқот ишидаги ахборот базасининг ишончлилиги расмий нашрларда эълон қилинган статистик маълумотлардан, шунингдек монографик тадқиқотларда текширилган ва нашр этилган натижалардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунининг лойиҳасини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган.

Шунингдек, тадқиқотнинг айрим натижаларидан талабалар учун турли ўқув ва методик қўлланмалар ҳамда олий ўқув юртларининг “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Оила ҳуқуқи”, “Меҳнат ҳуқуқи” ва “Бизнес ҳуқуқи” фанлари ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларига доир тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бу бузишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этиш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддатининг жорий қилинмаслигига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-моддасининг олтинчи хатбошиси) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–531-сон Қонуни билан киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 11 июлдаги 59-сон далолатномаси). Мазкур таклиф даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларни аниқлаштириб, фуқаролик ҳуқуқларини даъво қўзғатиш орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилган;

ирқий ёки ижтимоий келиб чиқишга оид маълумотлар, сиёсий, диний ёки дунёқарашга оид эътиқодлар, сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларига аъзолик тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек жисмоний ёки руҳий (психик) саломатликка тааллуқли маълумотлар, шахсий ҳаёт ва судланганлик тўғрисидаги маълумотлар шахсга доир махсус маълумотлар ҳисобланишига

оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисми) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ЎРҚ–547-сон Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 12 июлдаги 61-сон далолатномаси). Мазкур таклиф шахсга доир маълумотларни аниқлаштиришга хизмат қилган;

субъектнинг наслдан-наслга ўтган ёки орттирилган хусусиятларига тааллуқли бўлган, субъектнинг биологик қиёфасини таҳлил қилиш ёки муқобил ахборот олиш имконини берадиган бошқа элементни таҳлил қилиш натижаси бўлган шахсга доир маълумотлар генетик маълумотлар бўлишига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддаси иккинчи қисми) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ЎРҚ–547-сон Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 12 июлдаги 61-сон далолатномаси). Мазкур таклиф шахсга доир маълумотлар сифатида генетик маълумотларга ишлов беришга субъектнинг розилиги олиниши орқали фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилган;

мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича таъминлайдиган ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўришига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддаси иккинчи қисми) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ЎРҚ–547-сон Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 12 июлдаги 61-сон далолатномаси). Мазкур таклиф шахсга доир маълумотларни ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўриш орқали ҳимоя қилишни кафолатлашга хизмат қилган;

мулкдор ва (ёки) оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахслар субъектнинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шартлигига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси иккинчи қисми) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ЎРҚ–547-сон Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 12 июлдаги 61-сон далолатномаси). Мазкур таклиф шахсга доир маълумотларни учинчи шахсга ошкор қилмаслик орқали фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, жумладан, 15 та илмий мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Фуқаролик ҳуқуқида даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларнинг умумий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида фуқаролик ҳуқуқида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар тушунчаси, шаклланиши ва ривожланиши, даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар доираси ҳамда турлари, даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларни амалга оширишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари таҳлил қилинган.

Фуқаролик ҳуқуқи муддатлар ва даъво муддати билан бирга даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларни ҳам белгилайди. Бу ёндашув аксарият мамлакатлар қонунчилиги, хусусан, МДХ мамлакатлари Фуқаролик кодексларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот ишида мутахассислар (В.Я.Кияшко, А.В.Люшня, П.А.Ильичев, С.В.Скрябин, Р.Ш.Менглиев)нинг ёндашувлари таҳлил қилиниб, мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги талабларга нисбатан муддатларни қўллаш фуқаролик муомаласи иштирокчилари томонидан суиистеъмолчиликларга олиб келмаслиги зарурлигига эътибор қаратилди. Чунки, мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги талаб аксарият ҳолларда ўзганинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш ҳақидаги талаб билан бир вақтда қўйилади ва бундай талабга нисбатан даъво муддати жорий қилинади, - деган хулосага келинди.

Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар моҳиятига кўра, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шахснинг ўзига хос ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий тартиб-таомил

ва воситадир. Бошқача айтганда, *даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар* – бу ўзига хос вужудга келиш, ўзгариш ва бекор бўлиш асосларига эга бўлган ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчилари томонидан ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) оқибатида бузилган шахсий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий неъматларни, шунингдек айрим мулкый ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги даъволардир.

Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар доираси аниқланиши зарур. Бу ҳар қандай талабга нисбатан ҳам уни қўлланмаслиги, бу борада қонун чиқарувчи томонидан ўзига хос ёндашув доимо мавжуд бўлишини тақозо этади. Гарчи, ФКнинг 163-моддаси бу борада талаблар рўйхатини очиқ қолдирган бўлса-да, аввало, фуқаролик ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши заруратидан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг хусусиятидан келиб чиққан.

Муаллиф фикрича, негатор даъволарга нисбатан даъво муддати татбиқ қилинмаслиги ушбу даъволар бевосита мулкдорнинг ўзида бўлган мол-мулкка нисбатан мавжуд мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан изоҳланади. Унинг юридик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни бартараф этиш ҳақидаги талаблар (негатор даъволар) бевосита мулкдорнинг фақатгина ўз эгалигида бўлган мол-мулқига нисбатан қўйилади;

иккинчидан, мулкдорнинг учинчи шахсларга нисбатан негатор даъво бўйича кўядиган талаблари фақатгина фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари доирасида бўлади;

учинчидан, амалдаги Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқининг муддатсиз эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Ушбу норма мазмуни бевосита мулкдорнинг негатор даъво талабларига даъво муддати татбиқ қилинмаслиги масаласига ҳам сингдирилган. Чунки, мулкый ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш усулларидан бири ҳам айнан негатор даъво ҳисобланади;

тўртинчидан, негатор даъволарга нисбатан умумий даъво муддати татбиқ қилинмаслигининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, мулкдор ўз ҳуқуқларига нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари ва ҳар қандай бузишларнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабини ҳар қачон қўйишга ҳақли. Модомики, ушбу ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза қилишга доир маълум бир муддат белгиланар экан, мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда маълум бир сунъий тўсиқларга дуч келарди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда мулкый муносабатларнинг ривожига путур етказарди.

Тадқиқот ишида турли даврларда ватанимиздан олиб чиқиб кетилган ва ҳанузгача қайтарилмаган миллий-маданий бойликларни қайтариш ҳақидаги талаблар алоҳида ўрганилади. Мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа

қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмаслигининг асосий юридик жиҳати қуйидагиларда ифодаланади:

биринчидан, ушбу талаблар мустақиллигимизга қадар мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетилган, халқимиз томонидан асрлар давомида яратилган ҳамда маданиятимиз ва маънавиятимиз асоси ҳисобланган кўчар ашёларни қайтариб бериш тўғрисида эканлиги;

иккинчидан, тарихий, маданий ва илмий-бадий қийматга эга бўлган мол-мулк ҳамда бошқа қимматбаҳо объектлар қайта тикланмас ва ўзига хос хусусиятлари билан (бадий ечими, безаги, унда ифодаланган санъат тури, материали, фан соҳасидаги ютуқлар, муаллифининг дунёқараши ва фикрлари ва ҳ.к.) такрорланмас эканлиги;

учинчидан, юқорида қайд қилинган объектлар нафақат бир миллат, бир халқ маданияти ва маънавиятига хос эканлиги билан, балки умуминсоний цивилизацияга мансублиги билан изоҳланади.

Муаллиф ушбу объектларни уларнинг ҳақиқий эгаларига қайтаришнинг аниқ, юридик жиҳатдан асосланган механизмни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш зарур, - деган хулосага келади.

Даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларнинг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида, ҳар бирига алоҳида-алоҳида келтириб ўтилган ўзига хос юридик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур талаблар: 1) шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар; 2) айрим бузилган мулкый ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар сифатида туркумланади.

Суд амалиётида ФКнинг 163-моддасида белгиланган даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар узоқ муддат давомида нотўғри қўлланилиб келинди. Чунки, унда мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни (ушбу Кодекснинг 231-моддаси), бартараф этиш ҳақидаги талабларига даъво муддати жорий қилинмаган. Бу ўринда масаланинг моҳияти “шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишлар” сифатида талқин қилинган.

Агар бундай бузилишлар (ёки тўсиқлар) барҳам топганида ва унинг натижасида мулкдор зарар кўрса, ушбу талаб мазкур оқибатни қоплашга боғлиқ бўларди, яъни мажбурият-ҳуқуқий муносабат юзага келар ва унга нисбатан даъво муддати қўлланиларди. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар виндикацион даъвога нисбатан (масалан, ўзганинг ноқонуний эгалигидаги мулкни талаб қилиш ҳақидаги даъвога нисбатан) қўлланмайди. Негатор даъвога нисбатан даъво муддатининг қўлланмаслиги эса, ҳуқуқбузарликнинг узоқ муддат давом этиши билан боғлиқ.

“Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари” деб номланган иккинчи бобда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги, шахсинг шаъни, қадр-қиммати ҳамда ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар, уларнинг

мазмуни, объекти, субъекти, уларнинг турлари, ушбу талабларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати ва бошқа номоддий неъматларини ҳимоя қилиш ҳақидаги талабнинг предмети – бу бевосита шахснинг фақатгина ижобий-шахсий сифатларини ўзида акс эттирган номоддий ва шахсдан бегоналашмайдиган бузилган субъектив (мутлақ) ҳуқуқидир.

Субъектив ҳуқуқларни судгача бўлган босқичда ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларнинг предметини “аниқлаштириш”, “тўғрилаш”, “радия бериш”, “жавоб бериш”, “шарҳ бериш”, “тушунтириш бериш”, “ҳужжатни чақириб олиш ва алмаштириш” тўғрисидаги ва, албатта, кўшимча талаб сифатида “етказилган маънавий зарарни компенсация қилиш” тўғрисидаги моддий-ҳуқуқий талаблар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунга биноан радия жавобгарнинг ҳисобидан эълон қилиниши шартлиги белгиланмаганлиги қонунчиликдаги камчиликлардан биридир. Қонуннинг 35-моддаси учинчи қисмида фақатгина, суднинг айнан шу оммавий ахборот воситасида эълон қилиш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлган, қонуний кучга кирган қарорини таҳририят суд қарорида кўрсатилган муддатда бепул эълон қилиши шартлигини белгилайди. Бу ўринда даъвогар (жабрланувчи) томонидан ўзининг бузилган мутлақ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги талаб (масалан, ОАВда “радия бериш ҳақида”ги талаб) судгача бўлган босқичда ҳам тақдим қилиниши эътибордан четда қолган. Ушбу ҳолатда ОАВда бериладиган радия жавобгарнинг ҳисобидан эълон қилиниши шарт.

Муаллиф фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш лозим, деб ҳисоблайди.

Диссертацияда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида (тадқиқот амалга оширилаётган даврда) шахсга доир маълумотлар қуйидаги уч гуруҳга ажратилганди:

1) шахсга доир умумий маълумотлар (ирқий ёки ижтимоий келиб чиқишга оид маълумотлар, сиёсий, диний ёки дунёқарашга оид эътиқодлар, сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларига аъзолик тўғрисидаги маълумотлар)

2) шахсга доир махсус маълумотлар (жисмоний ёки руҳий (психик) саломатликка тааллуқли маълумотлар, шахсий ҳаёт ва судланганлик тўғрисидаги маълумотлар);

3) шахсга доир генетик маълумотлар (субъектнинг наслдан-наслга ўтган ёки орттирилган хусусиятларига тааллуқли бўлган, субъектнинг биологик қиёфасини таҳлил қилиш ёки муқобил ахборот олиш имконини берадиган бошқа элементни таҳлил қилиш натижаси бўлган шахсга доир маълумотлар).

Муаллифнинг фикрича, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс ўз талабида ўзининг шахсига оид бўлган маълумотга эга тарафдан (мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахсдан) қўйидаги ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўришни талаб қилиш ҳуқуқига эга: субъектнинг ўз шахсий ҳаётига аралашувдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи амалга оширилишини; шахсга доир маълумотларнинг яхлитлигини ва бут сақланишини; шахсга доир маълумотларнинг махфийлигига риоя этилишини; шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов берилишининг олди олинишини.

Бундан ташқари, мулкдор ва (ёки) оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга руҳсат олган бошқа шахслар субъектнинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шарт.

Шахсга етказилган маънавий зарарни суддан ташқари ва суд тартибида компенсация қилишда миллий қонунчиликка Инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа Конвенцияси нормаларининг айрим ижобий жиҳатларини сингдириш лозим. Конвенциянинг 41-моддаси талабига кўра, жабрланувчининг фойдасига зарар адолатли тарзда (just satisfaction) компенсация қилиниши шартлиги белгиланган. Ишда ҳуқуқшунос олимлар (О.Оқюлов, И.И.Насриев, М.М.Мамасиддиқов, М.Х.Баратов, Б.Ҳамроқулов, Р.Хонназаров, И.А.Петин, Я.Я.Кайль, И.С.Шабунина, F.Gumelchain ва бошқалар)нинг фикрлари ўрганилиб, ҳуқуқни қўллаш амалиёти (2000 йил 28 апрелдаги Олий суд Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги Қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сон қарори ва жорий суд материаллари) таҳлил қилиниб, маънавий зарар билан боғлиқ жиҳатларда муаллифлик позицияси шакллантирилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ФКнинг 1022-моддасига қўйидаги таҳрирда ўзгартиш киритиш таклиф қилинди:

тўртинчи қисмдаги “Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулккий зарардан қатъи назар қопланади” деган сўзлардан кейин “Жабрланувчининг фойдасига ундириладиган маънавий зарарнинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан кам бўлиши мумкин эмас” деган сўзлар билан тўлдирилиши лозим.

Интернет – ҳуқуқ объекти (Н.А.Дмитрик, Қ.Меҳмонов) бўлганлиги учун ушбу фуқаролик ҳуқуқи объектини амал қилиш доирасида фақатгина айрим ҳоллар мавжуд бўлгандагина давлат аралашуви лозим, деб ҳисоблаймиз. Давлатнинг аралашуви эса, фақат қўйидаги ҳолларда ва шаклда амалга оширилиши лозим:

биринчидан, интернет тармоғининг тегишли сайтида ёлғон, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки ҳақиқатга тўғри келса-да, унинг ошкор этилиши фуқаронинг мутлақ ҳуқуқларига путур етказадиган жойлаштирилган ахборот сайтига тўғридан-тўғри тақиқ қўйиш;

иккинчидан, ахлоққа ва жамиятнинг маънавий дунёсига таҳдид қилувчи (порнографик, урушни, миллий ёки этник адоватни, террорни тарғиб этувчи)

жойлаштирилган ахборот сайтига тўғридан-тўғри тақиб қўйиш.

Бундан ташқари, интернет тармоқлари ёки бошқа ОАВда тарқатилаётган ахборотлардан жамиятнинг номоддий маънавий негизлари (ўзаро ҳурмат-иззат, миллий урф-одат, анъана ва удумлар)ни ҳимоя қилиш учун “Интернет тўғрисида”, “Вояга етмаганларнинг ахборот муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

“Айрим бузилган мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари” деб номланган учинчи бобда омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисидаги банкка ва бошқа кредит муассасаларига қўядиган талаблари, мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни бартараф этиш ҳақидаги талаблари, жиноят туфайли етказилган зарарни ундириш ҳақидаги талаблар, тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларнинг мазмуни, уларни амалга ошириш усуллари ҳамда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил қилинган. Мавзу предмети доирасида ҳуқуқшунос олимлар (А.И.Ғайбуллаев, О.А.Символоков, С.С.Омельченко, В.М.Седов, М.К.Треушников, С.В.Скрябин, В.Ё.Эргашев, С.В.Бородин, О.А.Тарнавский)ларнинг соҳага доир қарашлари, ёндошувлари, суд амалиёти ва ЮНИДРУА конвенциялари, ЮНЕСКО Тавсиялари, МДХ доирасида тузилган Битимлар, Буюк Британия, Нидерландия билан Индонезия, Франция, Янги Зеландия ва бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилди, таҳлил қилинди.

Мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан эгалик қилиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларига нисбатан даъво муддати татбиқ қилинмаслигининг фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиниши ушбу муносабатларнинг фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасига кириши билан изоҳланади.

Виндикацион даъво – бу мулкдорнинг эгалик, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ҳар қандай шахсга ҳуқуқ бузилишини бартараф этиш ҳақида қўядиган талабидир.

Мажбурият субъекти сифатида мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш юзасидан даъво қўзғатилганда, даъво талаби бўйича жавобгар – мол-мулкка ноқонуний эгалик қилувчи шахс ҳисобланади. Агар ушбу вазиятда жавобгарда мулк бўлмаса, унга нисбатан виндикацион даъво билан мурожаат қилиш мумкин эмас, чунки виндикациянинг предмети мавжуд эмас. Аммо мулкка ноқонуний эгалик қилувчи шахсга нисбатан мулкдорга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво билан мурожаат қилиш мумкин. Даъво талаби мулкнинг айни вақтда ноқонуний эгаси бўлган шахсга берилади, мулк ушбу шахсга қандай келиб қолганлиги аҳамиятга эга эмас. Балки, ушбу шахсдан олдин мулк бир неча шахснинг эгалигида бўлган бўлиши мумкин, аммо бу виндикацион даъво билан мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди.

Юқоридаги шартлар мавжудлигида, мулкдор ўз мулкни бевосита ҳуқуқбузардан аниқланган вақтдан талаб қилиши мумкин. Инсофли

эгалловчига нисбатан мулкый ҳуқуқ бузилиши билан боғлиқ ҳолатда даъво талаби қўйилганда, фақат қуйидаги икки ҳолатда мулк олиб қўйилиши мумкин:

биринчидан, агар мол-мулк ҳақ тўламасдан олинган бўлса (ҳадя шартномаси бўйича, мерос бўйича). Чунки, бунда мулкни олиб қўйиш ҳеч қандай мулкый оқибатларни келтириб чиқармайди, аммо бузилган мулк ҳуқуқини тиклашга хизмат қилади;

иккинчидан, агар мулк инсофли эгалловчи томонидан ҳақ эвазига олинган бўлса ва мулкдор учун мулкни йўқотиш усули муҳим аҳамиятга эга бўлса.

Виндикацион даъво талабларига нисбатан даъво муддати қўлланилмайди. Аммо камида уч ҳолат мавжудки, бунда маълум бир вақт ўтганидан сўнг қонуний мулкдор мулкка бўлган ҳуқуқни йўқотади:

биринчи ҳолат – топилма. Агар топилма тўғрисида хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади (ФК, 193-м.);

иккинчи ҳолат (биринчисига ўхшаш) – қаровсиз ҳайвонлар. Бунда инсофсиз эгаликнинг асослари виндикацияга нисбатан фарқ қилади. Қаровсиз ёки адашган чорва молларини ёхуд бошқа қаровсиз уй ҳайвонлари ёки қўлга ўргатилган ҳайвонларни тутиб олган шахс уларни эгасига қайтариши шарт, башарти ҳайвонларнинг эгаси ёки унинг қаердалиги номаълум бўлса, тутиб олган пайтдан бошлаб уч кундан кечиктирмай топилган ҳайвонлар тўғрисида ички ишлар органига, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилиши шарт, улар ҳайвонларнинг эгасини қидириш чораларини кўрадилар. Агар топиб олган шахс хабар бермаса, у инсофсиз эгалловчи ҳисобланади (ФК, 195-м.);

учинчи ҳолат – виндикацион талабларнинг вақт доирасида чегараланиши (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат). Ушбу муддат ўтганидан сўнг, собиқ мулкдор ўз мулкига нисбатан ҳуқуқ ва виндикациядан маҳрум бўлади (ФК, 187-м.).

Демак, мулк ҳимояси шартнома бўйича вужудга келган эгалик ҳуқуқига боғлиқ бўлса ҳам, барибир, мажбурият ҳуқуқининг эмас, балки ашёвий ҳуқуқнинг институти ҳисобланади ва уни ҳимоя қилиш ҳақидаги даъво талаблари ашёвий-ҳуқуқий даъволар туркумига киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ФКнинг 163-моддаси олтинчи хатбошисига қуйидаги таҳрирда ўзгартиш киритилиши таклиф қилинади:

“шу жумладан эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни (ушбу Кодекснинг 231-моддаси)” деган сўзлар **“гарчи бу бузишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам (ушбу Кодекснинг 231-моддаси)”** деган сўзлар билан алмаштирилсин”.

ХУЛОСА

I. Фуқаролик ҳуқуқини такомиллаштиришга доир илмий-назарий хулосалар:

1. Муддатлар фуқаролик ҳуқуқи институтларидан бири сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган юридик фактлар жумласига кириб, фуқаролик муомаласи иштирокчилари ҳуқуқларининг амалга оширилиши ва муҳофаза қилинишига, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга, фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ўртасида келиб чиқувчи низоларнинг олдини олишга ҳамда қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

2. Моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий муддатлар тушунчалари ўртасидаги ўзига хос жиҳатлар аниқланди.

Моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий муддатлар тушунчалари ўртасидаги алоҳидалик жиҳати қуйидаги хусусиятларда ифодаланади:

- моддий-ҳуқуқий муддатларнинг кўпчилиги диспозитив характерга эга, яъни улар фуқаролик муомаласи иштирокчилари эркига биноан бошланиши, қисқартирилиши ёки узайтирилиши ёхуд тўхтатилиши мумкин; процессуал-ҳуқуқий муддатлар эса, императив характерга эга бўлиб, ё қонунда белгиланади ёки суд томонидан тайинланади;

- моддий-ҳуқуқий муддатлар юридик фактлар ҳисобланиб, унинг ўтказиб юборилиши эса, қонунда назарда тутилган ҳолларда муайян ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради, бирон-бир ҳуқуқ ва мажбуриятлар олинади, ўзгартирилади ёки йўқотилади; процессуал-ҳуқуқий муддатлар эса, бевосита суд ёки бошқа давлат органлари томонидан фуқаролик ишларини юритиш ва ҳал қилиш учун маълум бир процессуал ҳаракатларни амалга оширишга йўналтирилади.

Моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий муддатлар тушунчалари ўртасидаги умумийлик жиҳати қуйидаги хусусиятларни қамраб олади:

- моддий-ҳуқуқий муддатлар ҳам, процессуал-ҳуқуқий муддатлар ҳам бевосита фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишини олдини олиш, ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва таъминлашга қаратилади;

- моддий-ҳуқуқий муддатлар ва процессуал-ҳуқуқий муддатлар умумий, ягона бўлган бирликларда белгиланади ва ҳисобланади. Яъни, муддатлар календарь сана билан ёхуд йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар ёки соатлар билан ўлчанадиган вақт даврининг ўтиши билан белгиланади. Шунингдек, муддат муқаррар юз бериши керак бўлган воқеани кўрсатиш билан ҳам белгиланиши мумкин (масалан, баҳор фаслининг келиши, музларнинг эриши).

3. *Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар* – бу ўзига хос вужудга келиш, ўзгариш ва бекор бўлиш асосларига эга бўлган ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчилари томонидан ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) оқибатида бузилган шахсий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий неъматларни, шунингдек айрим мулкый ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги даъволардир.

4. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларнинг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида, ҳар бирига алоҳида-алоҳида келтириб ўтилган ўзига хос юридик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур талабларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

- 1) шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар;
- 2) айрим бузилган мулкый ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар.

